ҚАРДОШЛИК КУЙЛАРИ ЯНГРАЙВЕРСИН!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ★ 4 март 1969 йил, Сешанба ★ № 53 (14.216). ★ Баҳоси 2 тийин.

Кеча Тошкентда Қорақалпоғистон адабиёти ва санъати ҳафталиги тантанали вазиятда очилди.

АМУ СОҲИЛИ ТАРОНАЛАРИ

БЕРДАҚ ДИЁРИДАН НАВОИЙ ДИЁРИГА



ТОШКЕНТ. 1969 йил 3 март. Қорақалпоғистон АССР адабиёти ва санъати ҳафталигининг тантанали суратда очилиши.

И. Глауберзон фотоси.

Халқ тўқиган ажойиб «Қирқ қиз» достони асрлар оша бизнинг давримизга етиб келди. Шон-шуҳратни, дўстликни, муҳаббатни, қорақалпоқ халқининг порлоқ келажагига ишончни мадх этувчи бу достонга неча йиллар мобайнида қанчадан-қанча шоирлар қалб қўрини кўшди. Ҳозир бу достон Аму ва Орол диёрида янгича оҳанг бериб янграмоқда — қадимий қорақалпоқ ўлкасига янги ҳаёт келди. Эндиликда Қорақалпоғистон халқи ўзининг ушалган орзуларини тараннум этувчи янги гўзал қўшиқлар ва шеърлар ёзиб, улуғвор достон тўқимоқда.

Қорақалпоғистон вакиллари ҳам адабиёт ва санъат ҳафталигига ўзларининг энг яхши шеърлари, қўшиқлари, рақсларини ўзбек дўстларига бародарлик тухфаси қилиб келтирдилар.

Одат бўлиб қолган анъанага кўра, мамлакатимиз халқларининг ана шу яхши улкан дўстлик ва қардошлик байрами Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Катта академик театрида бошланди. 3 март куни бу ерда Қорақалпоғистон адабиёти ва санъати ҳафталиги тантанали равишда очилди.

Тантанали йиғилиш президиумида — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, В. Г. Ломоносов, М. М. Мусахонов, Ё. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, М. А. Абдураззоқов, С. Р. Расулов, М. Т. Турсунов, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари С. О. Азимов, М. З. Мирзаахмедов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин ўтиришдилар. Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. К. Камолов, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг Раиси Д. Ешимбетов, Автоном республика Министрлар Советининг Раиси Е. Айтмуротов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг секретарлари Б. А. Новицкий, К. Р. Ризаев, Автоном республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Г. Гонпова ҳам улар билан ўтирибдилар. Нукус ва Тошкентнинг таниқли адабиёт, музика, сураткашлик, театр санъати арбоблари ҳам президиумга чиқадилар.

Йиғилишни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очади.

Қардош маданиятларнинг ўн кунликлари ва ҳафталикларини ўтказиш, дейди ўртоқ Ш. Р. Рашидов, юртимизда ажойиб анъана бўлиб қолди. Булар ҳамиша сидқидиллик ва ижодий аҳиллик вазнятида ўтмоқда, совет халқларининг бузилмас дўстлигини кўрсатувчи ёркин намойишга, уларнинг хўжалик ва маданий қурилишдаги муваффақиятлари кўригига айланиб кетмоқда.

Бугун биз қорақалпоқ адабиёти ва санъатининг ҳафталигини тантанали равишда очиш учун шу ерга йиғилдик. Бу ҳафталик республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий турмушидаги катта воқеадир. Ҳамманизнинг катта ва қувончли байрамимиздир. Ҳафталик халқларимизнинг самимий дўстлигини мустаҳкамлаш тарихига яна бир ёркин саҳифа бўлиб ёзилиб қолади.

Ҳафталикда қатнашмоқ учун Қорақалпоғистон АССР адабиёт ва санъат арбобларининг катта делегацияси, шунингдек, бир қанча ижодий коллективлар келди. Булар орасида Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат филармонияси, Станиславский номидаги Қорақалпоғистон давлат мусиқали драма ва комедия театри Қорақалпоғистон радио ва телевидениесининг ансамбли, Т. Г. Шевченко номидаги Нукус давлат педагогика институтининг бадиий ҳаваскорлик коллективи ва бошқа коллективлар бор.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика ҳукумати номидан азиз қорақалпоқ меҳмонларимизни, улар орқали эса қардош Қорақалпоғистоннинг барча меҳнаткашларини қизғин ва самимий табриклашга, уларга чин кўнгилдан катта-катта ижодий муваффақиятлар, улуғ социалистик Ватанимиз равнақи йўлидаги коммунизм тантанаси йўлидаги меҳнатда янгидан-янги зафарлар тилашга ижозат бергайсиз.

Қорақалпоқ адабиёти ва санъатининг бугун бошланаётган ҳафталиги шунинг учун гоят диққатга сазовордирки, бу ҳафталик бутун совет халқимиз порлоқ тарихий санага — севикли йўлбошчимиз ва устозимиз Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг юз йиллигига илҳом билан тайёргарлик кўраётган ажойиб бир пайтда ўтмоқда.

Ҳаммамиз улуғ галабаларимиз, барча зафарларимиз ва муваффақиятларимиз, совет халқлари янги тақдирининг ўзи ҳам Ленин номи билан, ленинизм билан чамбарчас боғланган.

Инсоният тарихида янги давр очиб берган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг галабасидан кейин мамлакатимизда рўй берган туб социалистик ўзгаришлар Ленин номи билан, ленинизм билан чамбарчас боғланган.

СССР халқларининг эркинлиги ва бахт-иқболи, барча совет республикалари ишлаб чиқарувчи кучларининг мисдсиз ривожи, халқ талантларининг беқиёс равнақи Ленин номи билан, ленинизм билан чамбарчас боғланган.

Улуғ кўп миллатли Совет давлати республикалари қардошларча ҳамдўстлигининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган суверен Автоном республика — Қорақалпоғистон АССРнинг барпо этилиши Ленин номи билан, ленинизм билан, ленинча миллий сиёсат тантанаси билан чамбарчас боғланган.

Қорақалпоқ халқи ўз давлатини барпо этганидан, ҳар томонлама ривожланиш йўлига тушиб олганидан бери қирқ йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. Ана шу қисқа давр ичида у Коммунистик партия раҳбарлигида улуғ рус халқининг ва барча совет халқларининг қардошлик ёрдами билан тараққиёт йўлида улкан одим ташлади, экономика ва маданиятни ривожлантиришда катта-катта муваффақиятларга эришди. Қорақалпоқ халқининг ҳозирги турмуши революциядан олдинги мазлум ва ночор аҳволдан ер билан осмонча фарқ қилади. Совет ҳокимияти йиллари мобайнида Қорақалпоғистон қолоқ бир ўлкадан гуллаб-яшнаб турган социалистик республикага айланди.

Революциягача қадар аҳолиси ярим кўчманчи холда кун кечирган, қашшоқлик ва надонлик зулматида қолиб келган Қорақалпоғистонда энди замонавий саноат, кўп тармоқли ва юксак даражада механизациялаштирилган социалистик қишлоқ хўжалиги вужудга келтирилди. Ана шу саноат ва қишлоқ хўжалиги йил сайин тараққиётнинг янги, тағин ҳам юксак погонасига кўтарилмоқда.

Ҳозирги Қорақалпоғистон — юксак даражада ривожланган энергетика, қурилиш индустрияси, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати ўлкаси, «оқ олтин» диёри бўлиб қолди, жуда бой шоликорлик макони, мўйна, қоракўл ва турли-туман ер ости бойликларининг хазинасига, довюрак чорвадорлар, балиқчилар ва денгизчилар юртига айланди.

Коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга, партия томонидан Ўзбекистон ССР олдига халқ хўжалиги соҳасида қўйилган вазифаларни ҳал қилишга қорақалпоқ халқи кўшаётган жуда катта ҳиссани биз ҳаммамиз юксак қадрлаймиз. Бултур қорақалпоқ пахтакорлари эришган ажойиб галабани бугун биз яна бир карра зўр хурсандчилик билан таъкидлаб ўтамиз. Улар ўзларининг социалистик мажбуриятларини анча ортиги билан бажариб, Ватанга 306 минг тонна «оқ олтин» армугон этдилар. Қорақалпоғистон Автоном республикасининг шоликорлари мамлакат омборига салмоқдор ҳисса қўшдилар.

Социалистик маданиятнинг гуркираб ривожланганлиги, адабиёт ва санъат, халқнинг ўзига ҳос ёркин талантлари ва истеъдодлари чинакам равнақ топганлиги қорақалпоқ халқининг энг буюк галабаларидан биридир.

1913 йилда Қорақалпоғистонда атиги иккита мактаб бўлиб, уларда маҳаллий бойлар ва руҳонийларнинг икки юзга яқин боласи ўқитилар эди. Ҳозир эса бу ерда юзлаб мактаблар, ўрта махсус ўқув юртлари ва олий ўқув юртлари бўлиб уларда 170 мингдан ортиқ киши билим олмоқда. Ҳозир Қорақалпоғистон АССРда ўзининг илмий маркази — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг филиали ишлаб турибди. кўплан-кўп кутубхоналар, клублар, маданият уйлари, кинотеатрлар меҳнаткашларга хизмат қилмоқда. Газета, журнал, китоб, радио, телевидение меҳнаткашлар турмушига сингиб кетди.

Ўтмишда ҳатто ўз ёзувига ҳам эга бўлмаган Қорақалпоғистонда истеъдодли ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, меъморлар, композиторлар, театр ва кино усталарининг кўпгина намояндалари камол топдики, уларнинг номлари мамлакатимиздагина эмас, чет элларда ҳам машҳур бўлиб кетди. Уларнинг ижодини кенг халқ оммаси севиб қолди ва эътироф қилди. Биз Аббос Добилов, Жўлмирза Оймирзаев, Оймихон Шомуротова, Содиқ Нурумбетов, Тиловберген Жумамуротов, Ибройим Юсупов, Игорь Савицкий, Қодирбой Сонпов, Тиловберген Қайпбергенов Гулистон Шомуротова, Алимжон Халимов ва Қорақалпоғистон маданиятининг бошқа кўпгина арбобларини зўр ҳурмат билан тилга оламиз.

Улар халқнинг ҳаёти ва илҳомбахш меҳнатини, ажойиб социалистик воқелигимизни тараннум этувчи ажойиб асарлари билан бизни қувонтирмоқдалар.

Қорақалпоғистон адабиёти ва санъатининг ҳозирги ҳафталиги унинг ажойиб муваффақиятлари кўригигина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга маданият фронти ходимлари бутун шонли отрядининг ижодий активлигини янада ўстиришнинг, қардош маданиятларни бир-бирига тағин ҳам яқинлаштириш ва ўзаро бойитишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилишига, меҳнаткашларни интернационал рухда тарбиялаш ишига кўмаклашишга аминмиз. Бу ҳафталик адабиёт ва санъат арбобларининг шонли Ленин юбилейига кўраётган тайёргарлигини тағин ҳам кенг кулоч ёзадириб юборишга ёрдам бериши турган гап.

Сиз, азиз қорақалпоқ дўстлар, республика пойтахтининг янги иморатлар қурилаётган районлари ва диққатга сазовор жойлари билан танишдингиз. Севикли Тошкентимиз кейинги йилларда нақадар ўзгариб кетганлигини ўз кўзингиз билан кўрдингиз. Зилзила харобалардан каддини ростлаб олган пойтахтимизнинг янги киёфаси кўз ўнгингизда намоён бўлди. Ҳафталик кунларида сизлар Ўзбекистоннинг турли шаҳар ва қишлоқларида, саноат корхоналарида, колхозларда, совхозларда, ўқув юртларида, музейларда бўласизлар, меҳнаткашларнинг кўпгина коллективлари билан, олимлар ва студентлар билан, Совет Армиясининг жангчилари билан, ижодий союзлардаги ҳамкасбларингиз билан учрашасизлар, театрларимизнинг ва концерт залларимизнинг сахналарига чиқиб, меҳнаткашлар оммаси ҳузурида ўз ижодларингиздан ҳисоб берасизлар.

Биз шунга аминмизки, сизлар бизнинг меҳмондўст диёримизнинг қаерига борманг, қаерига қадам ранжида қилманг, ҳамма жойда сизларни самимий қардошларча меҳр-муҳаббат, астойдил хурсандчилик билан, азиз меҳмонлар ва яқин дўстлардек кутиб олишади. Газета, журнал, китоб, радио, телевидение меҳнаткашлар бугун чин қалбдан чиқариб, сизларга:

— Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар! — дейдилар.

Ўзбекистон диёрида бугун ўзининг тантанали юришини бошлаётган ҳафталик маданият арбобларини янгидан-янги шонли ишларга руҳлантира берсин. Халқлар дўстлиги ва қардошлигининг мустаҳкам таянчи — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи мустаҳкамланаверсин ва абадий гуллаб яшнайверсин! Улуғ Ленин партияси — ягонажон Коммунистик партияга шон-шарафлар бўлсин!

Ҳафталик очилади. Зал гумбазлари остида СССР ва Ўзбекистон ССРнинг давлат гимнлари янграйди.

СССР халқ артисти Р. Ҳамроев ва таниқли қорақалпоқ ёзувчиси, Бердақ номидаги мукофот лауреати Ж. Оймирзаев дўстлик ва қардошлик тўғрисида, улуғ Ленин даврида яшаш ва ижод қилиш зўр бахт эканлиги ҳақида тўлқинланиб гапирадилар.

Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. К. Камоловга сўз берилади.

Ўртоқ Қ. К. Камолов самимий кутиб олганликлари учун йиғилиш аҳлига қизғин ташаккур изҳор қилиб, қорақалпоқ халқининг қардошлик саломини толширади. Биз янги қўшиқлар, рақслар, музика, янги пьеса ва китоблар, суратлар ва ҳайкалтарошлик асарлари билан бирга, дейди нотиқ, сизларга калб ҳароратимизни, самимий меҳр-муҳаббатимиз, ва эҳтиромимизни миннатдорчилигимизни ҳам олиб келдик.

Қ. Камолов Қорақалпоғистон меҳнаткашлари экономика ва маданиятни ривожлантиришда қўлга киритган муваффақиятларга муфассал тўхталиб ўтди. Бу муваффақиятлар ленинча миллий сиёсат тантанасини, совет халқлари мустаҳкам бародарлиги ғалабаларга қодирлигини кўрсатувчи ёркин намунадир.

Биз ана шу муваффақиятларнинг ҳаммаси учун, экономикамиз ва маданиятимизни ривожлантиришдаги доимий, тобора кўпроқ берилаётган ёрдам учун, дейди у, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, рус халқига, ўзбек халқига, мамлакатимиздаги барча қардош халқларга чин кўнглимиздан ташаккур изҳор этамиз.

Қорақалпоғистон маданият арбобларининг биринчи катта ижодий учрашуви Тошкентда 1957 йилда, иккинчи учрашуви 1963 йилда, бугунги учинчи учрашуви оралдан олти йил ўтгач бўлмоқда. Дўстларнинг ана шундай ҳар бир учрашуви миллий маданиятларимизнинг янада яқинлашувига ва бир-бирини ўзаро бойитишига ёрдам беради, куч-қудратимизни, ижодий ғайратимизни оширади. Ана шундай ҳар бир учрашув катта тантана, шодиёна байрамдир. Айни пайтда бадиий маҳорат имтиҳони, мактаби, қорақалпоқ маданиятини ривожлантиришдаги янги босқичдир.

Агар 1957 йилда қорақалпоқ декадасининг қатнашчилари Тошкентга дастлабки ёзган қисаларини олиб келган бўлсалар, 1963 йилларда дастлабки ёзган романларини олиб келган эдилар. Эндиликда қорақалпоқ адабиёти ўзининг ҳамма жанрлардаги барча муваффақиятларини кенг намойиш қилади. Асарларнинг мавзуси бойиди, бу асарларда замондошимиз, шу кунларнинг қаҳрамони тўлароқ гавдалантириладиган бўлиб қолди. Ана шу йиллар мобайнида санъатимиз ҳам олға ишонч билан қадам қўйди, спектакллар ва концертларнинг ғоявий-бадиий савияси ўсди, янги ижодий коллективлар камол топди.

«Қардош қардошникига келаётганида дўстни чин кўнгилдан қувонтирадиган совға олиб боради» — халқимизнинг шундай ҳикматли гапи бор. Бугун биз ўзимизнинг оғаларимиз ҳузурига ҳисобот совғаси билан яна бир марта келар экаимиз бародарларимизнинг дўстона маслаҳатларини эшитайлик деб кейинги йилларда яратилган энг яхши нарсаларимизни олиб келдик.

Ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг, социалистик Ватанимиздаги барча халқларнинг абадий дўстлиги — куч-қудратимиз ва илҳомимиз манбаидир. бу абадий дўстлик шундай бир мўъжизакор калитки, бу калит тобора янги-янги маънавий бойликлар хазинасини очиш имконини беради. Бу дўстлик — Улуғ Октябрь ғояларининг, абадий барҳаёт Ленин васиятлари амалга оширилганлигининг жонли тимсолидир.

Халқларнинг қардошлиги, партия ва ҳукуматнинг оталарча ғамхўрлиги, партия XXIII съезди, КПСС Марказий Комитети пленумларининг тарихий қарорлари Қорақалпоғистон меҳнаткашларини янги ғалабаларга, мавжуд резерв ва имкониятлардан ҳар тарафлама мукаммал фойдаланишга, хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида янги муваффақиятларга илҳомлантиради.

Қорақалпоғистон Автоном республикасининг ишчилари, колхозчилари, зиёлилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советини, Тошкентнинг ва Ўзбекистон областларининг барча меҳнаткашларини ишонтириб айтадиларки, биз ўзимизнинг бутун куч-қувватимиз ва билимимизни қалбимизнинг оташин ҳароратини беш йиллик топшириқларини муддатдан илгари бажаришга, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олишга сарфлаймиз, коммунизм қурилишидан иборат буюк ишга қўшадиган ҳиссамизни кўпайтирамиз.

Концерт бошланади. Ҳафталик қатнашчиларининг бирлашган хори Коммунистик партия тўғрисидаги қўшиқни айтади. Мамлакатимизда қўлга киритилган жамики зафарлар партиямиз номи билан чамбарчас боғлангандир.

Сахнада «Дўстлик» сюитаси янграйди. Бу ажойиб хороводда Ватанимиз халқларининг рақслари кетидан қўшиқлар, қўшиклари кетидан рақслар ижро этилади.

Улкан байрамнинг, чинакам қардошлар ва дўстлар байрамининг биринчи концерти серқуёш Қорақалпоғистон диёрида гуллаб-яшнаётган талантларнинг ажойиб намойишига айланиб кетди. (ЎзТАГ).

Расмий хабарлар

ДЎСТОНА ВИЗИТ

КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Владислав Гомулка, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Юзеф Циранкевич ва Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Болеслав Йшчук дўстона визит билан 3 мартда Москвага келдилар.

Польшанинг раҳбар арбобларини Внуково аэродромида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ва КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев кутиб олдилар.

КРЕМЛДА ҚАБУЛ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин СССР Олий Советн Президиумининг меҳмони сифатида Совет Иттифоқида расмий визит билан турган Уругвай Шарқий Республикаси вице-президенти Бош ассамблеяси раиси Альберто Абдалани 3 март куни Кремлда қабул қилди.

* * *

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний СССР Олий Совети Президиумининг меҳмони сифатида расмий визит билан турган Уругвай Шарқий Республикаси вице-президенти, бош ассамблеяси раиси Альберто Абдалани 3 март куни Кремлда қабул қилди.

(ТАСС).

В. И. ЛЕНИН ВА КОМИНТЕРН

КОММУНИСТИК ИНТЕРНАЦИОНАЛ ТУЗИЛГАНИГА 50 ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

В. И. ЛЕНИН.

КОНГРЕСС ОЧИЛИШИ ВАҚТИДА 2 МАРТДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Россия Коммунистлар партияси Марказий Комитетининг топшириғи билан биринчи халқаро коммунистик конгрессни очаман. Дастлаб, бунда ҳозир бўлган ҳамма кишилардан III Интернационалнинг энг яхши вакилларн: Карл Либкнехт ва Роза Люксембург хотирасини ҳурматлаб ўринларидан туришларини сўрайман [Ҳамма ўринидан турди].

Ўртоқлар! Бизнинг йиғилишимиз буюк оламшумул тарихий аҳамиятга эгадир. Бу йиғилиш буржуа демократиясининг барча иллюзияларн чилпарчин бўлганини исбот қилади. Чунки Россиядагина эмас, балки Европанинг энг тараққий топган капиталистик мамлакатларида, масалан, Германияда ҳам граждалар урушн факт бўлиб қолди.

Буржуазия пролетариатнинг ўсиб бораётган революцион ҳаракатидан ғоят даражада қўрқмоқда. Агар биз империалистик урушдан кейин воқеаларнинг боришн пролетариатнинг революцион ҳаракатига муқаррар равишда ёрдам қилаётганини, халқаро жаҳон революциясн барча мамлакатларда бошланаётганини ва кучаяётганини эътиборга олсак, буржуазиянинг нима учун қўрққанлиги аниқ бўлиб қолади.

Халқ ҳозирги вақтда авж олиб бораётган курашнинг улуғлиги ва аҳамиятини англамоқда. Пролетариатга ўз ҳукмронлигини амалга оширнш имконнятини берадиган амалий форманн топишгина зарур. Пролетариат диктатурасига эга бўлган совет системаси ана шундай формадир. Пролетариат диктатураси! — бу сўз омма учун ҳозирга қадар латин сўзи эди. Советлар системасининг бутун дунёга ёйилиши орқасида бу латин сўзи ҳозирги замоннинг барча тилларига таржима қилинди: ишчилар оммаси диктатурасининг амалий формасини топди. Бу форма, Россиядаги Совет ҳокимияти туфайли, Германиядаги спартакчилар ва бошқа мамлакатлардаги шунга ўхшаш ташкилотлар... туфайли, кенг ишчилар оммасига тушунарли бўлиб қолди. Буларнинг ҳаммаси пролетар диктатурасининг революцион формаси топилганини, пролетариат энди ўз ҳукмронлигидан амалий равишда фойдаланишга қодир эканини исбот қиладн.


Ўртоқлар! Мен ўйлайманки, Россиядаги воқеалардан кейин, Германиядаги январь курашидан кейин, шуни кўрсатиб ўтиш айниқса муҳимдирки, пролетариат ҳаракатининг энг янги формаси бошқа мамлакатларда ҳам ҳаётда ўзига йўл очмоқда ва ҳукмрон бўлмоқда. Бугун, масалан, мен бир айтсоциалистик газетада телеграф хабарини ўқидим, бу хабарда Англия ҳукуматининг Бирмингам ишчи депутатлари Советини қабул қилганлиги ва Советларни иқтисодий ташкилотлар деб танишга тайёр эканлигини баён қилганлиги ҳақида сўзланади. Совет системаси фақат қолоқ Россиядагина эмас, балки Европанинг энг тараққий топган мамлакати бўлган Германияда ҳам, шунингдек энг эски капиталистик мамлакат бўлган Англияда ҳам ғалаба қозонди.

Буржуазия қанча йиртқичланса ҳам, у минглаб ишчиларни ўлдирса ҳам — биз ғалаба қиламиз, бутун дунё коммунистик революциясининг ғалабаси таъмин этилган.

Ўртоқлар! Сизларни Россия Коммунистлар партияси Марказий Комитети номидан саммий равишда табриклаш билан бирга, президиум сайлашга киришишни таклиф қиламан. Номларни айтишингизни сўрайман.



В. И. Ленинниинг бу суратини мамлакатимизнинг энг кекса суратгири марҳум Пётр Адольфович Оцуп 1921 йили Коммунистик Интернационалнинг III конгресси мажлисларидан бирида олган.



В. И. Ленин Кремлда Коминтерн I конгрессининг президиумида: Суратда: (чапдан ўнгга) Г. Клингер, Г. Эберлейн, В. И. Ленин ва Ф. Платтен. Москва, 1919 йил 2—6 март.



В. И. Ленин Кремлда Коминтерн II конгресси комиссияларидан бирининг мажлисида. Москва, 1920 йил июль—август.



В. И. Ленин ва Е. Д. Стасова Кремлда Коминтерн II конгресси мажлислари орасидаги танаффус пайтида. Москва, 1920 йил июль—август.

ЖАҲОН КОММУНИСТЛАРИ ШТАБИ

ЖАҲОН коммунистик ҳаракатининг жанговар революцион маркази Коммунистик Интернационалнинг тузилганига 50 йил тўлди. Коммунистик Интернационал дунёда революцион прогресс тараққиётида муҳим ролни бажарди, марксизм-ленинизм ғояларининг тантанаси учун мардонавор кураш олиб бориб, бутун прогрессив инсоният таҳсинига сазовор бўлди.

Марксизм барча мамлакатлар ишчилар синфининг бирдамлиги негизини асослаб берди. Илмий коммунизм асосчилари К. Маркс ва Ф. Энгельс ишчилар ҳаракатининг жаҳон бирлиги тимсоли сифатида I Интернационални ташкил этишга бевосита раҳбарлик қилдилар.

I Интернационал ўзининг 1864 йилдан 1876 йилгача давом этган порлоқ тарихий фаолияти билан пролетариатнинг социализм учун халқаро курашига асос солди.

Янги шароитда, 1889 йилда II Интернационал барпо бўлди. У ўзининг дастлабки пайтларида Ф. Энгельс бошчилигида ишчилар революцион ҳаракатини мустаҳкамлашга муҳим ижобий ҳисса қўшди. Лекин кейинчалик, Ф. Энгельс вафотидан сўнг, Интернационал сафларида марксизмга қарши ревизионистик—оппортунистик гуруҳлар авж олди, II Интернационал оппортунистик раҳбарларининг йўл-йўриғи билан иш тутган кўп социал-демократик партиялар оппортунизм ботқоғига ботиб қолди. Россияда ҳам оппортунист гуруҳлар, шу жумладан «экономистлар», Ғарбий Европадаги сингари буржуазия манфаатларига мос социал-демократик партия тузишга уриндилар.

В. И. Ленин Россия ва жаҳон социал-демократиясидаги оппортунистик оқимларга қарши курашиб, янги типдаги марксистик партия тузишга киришди. Натижада 1903 йилда шундай партия дунёда биринчи бўлиб Россияда, Ленин бошчилигида большевиклар партияси вужудга келди.

БОЛЬШЕВИЗМНИНГ сиёсий оқим ва партия сифатида майдонга чиқиши, марксизмнинг Ленин томонидан ривожлантирилиши, Россиянинг жаҳон революцион марказига, ленинизм ватанига айланиши халқаро ишчилар ҳаракатида буюк бурилиш ясади.

1914 йилда биринчи жаҳон империалистик урушининг бошланиши билан II Интернационал оппортунистик раҳбарларнинг очиқдан-очиқ сотқинлиги намоён бўлди. Улар империалистик урушни қувватлаб, буржуазиянн ҳимоя қилдилар. Босқинчилик, талончиликка қаратилган бу урушни II Интернационал оппортунистик партиялари—Германия, Англия, Франция социал-демократлари, Россия меньшевиклари ва бошқалар «ватанни мудофаа қилиш урушн» деб халқларни алладилар. Социал-оппортунистлардан социал-шовинистлар рўёбга чиқди. Шундай қилиб марксизмдан юз ўгирган, сотқинлик ва хиёнатга йўл тутган II Интернационал ҳалокатга учради ва бўлиниб кетди.

Жаҳонда шовинизмга мубтало бўлган II Интернационал партияларига қарши бир партия — большевиклар партияси марксизмга содиқ бўлиб қолди.

Ленин партияси биринчи жаҳон урушининг асл моҳиятини очиб ташлади ва ишчил революцион-марксистик тактикани амалга оширди. Большевиклар партияси Марказий Комитети Ленин томонидан ёзилган муҳим ҳужжат — «урушва Россия социал-демократияси» деган манифестни эълон қилди. Бизнинг партиямиз биринчи жаҳон империалистик урушини граждалар урушига, ҳукмрон синфларга қарши революцияга айлантириш; урушда чор ҳукуматининг мағлуб бўлиши; ҳалокатга учраган II Интернационал билан алоқани батамом узиш шиорларини майдонга ташлади. Бу манифестда В. И. Ленин сотқинликка йўлиққан II Интернационал ўрнига марксизм байроғини баланд кўтаришга қодир III Интернационал тузиш вазифасини қўйди.

Россия ва бутун дунё социал-демократия сафларидаги оппортунизмга қарши Ленининг муросасиз кураши янги марксистик Интернационал тузиш учун замин ҳозирлаган эди. Ленининг назарий хулосалари, жаҳонда сўл революцион кучларнинг ўсиши ва мустаҳкамланиши учун катта роль ўйнади. Социалистларнинг Циммервальд (1915 йил) ва Кинтильда (1916 йил) бўлиб ўтган халқаро конференцияларида Ленин тарафдорлари оппортунистларга зарба бердилар. Ярим Интернационал тузиш учун кураш тобора авж олди.

Жаҳон уруши кўп мамлакатларда революцион кризисни кескинлаштирди. Пролетар революциялари даври бошланиш арафаси яқин эди. Бу вазият янги типдаги жанговар марксистик партияларнинг кўплаб вужудга келишини тақозо этарди.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ социалистик революциясининг ғалабаси жаҳон тарихида оламшумул бурилиш ясади. Капитализмдан социализмга ўтиш даври бошланди. Бу тарихий жараён жаҳон ишчилар ва коммунистик ҳаракатларининг ривожида ҳал қилувчи роль ўйнади. Октябрь революцияси халқаро ишчилар ҳаракатида марксизм-ленинизм ғояларининг оппортунизм устидан ғалабасининг ифодаси бўлди.

II Интернационалнинг оппортунист раҳбарлари Каутский Отто Бауэр, Вандервелде ва бошқалар Октябрь революциясининг ашаддий душманларига айландилар. Улар Ленининг пролетарнат диктатураси ҳақидаги шиорига қарши қандайдир, аслида бўлмайдиган «тоза» демократия, ёки «умуман демократия» шиорларини ўртага ташлаб, бу демократиянинг синфлардан устун туриши тўғрисида вайсаб, халқ оммасини алдамоқчи бўлдилар. Бу билан оппортунистлар давлатнинг синфий характери тўғрисидаги марксистик таълимотни инкор қилиб, аслида буржуа демократияси учун хизмат қилдилар. В. И. Ленин Карл Каутский ва бошқа оппортунистларнинг кирдикорларини фош қилиб, марксизмни изчил ҳимоя қилди ва янада ривожлантирди. Шу соҳада В. И. Ленининг «Пролетар революцияси ва ренегат Каутский» деган асари ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Октябрь тарихий тажрибаси янги типдаги жанговар марксистик партия раҳбарлигидагина пролетариат диктатураси тузиш мумкинлигини исботлаб берди. Октябрь намунаси кўп мамлакатларда коммунистик партияларнинг ташкил топишига ижобий таъсир этди. Мана шу тарихий шароитда жаҳон коммунистик ҳаракат марказини тузиш сира кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифа эди.

1919 йил 24 январда Москвада В. И. Ленин раҳбарлигида большевиклар партиясининг ташаббуси билан саккизта марксистик партия вакилларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари РКП(б) номидан жаҳондаги барча сўл революцион партия ва группаларга III Интернационал тузиш учун жаҳон конгресси чақириш тўғрисида мурожаат қилдилар.

НИҲОЯТ, 1919 йил 2 мартда Москвада III Интернационал — Коммунистик Интернационалнинг I (таъсис) конгресси очилди. Бу коммунистик форумга 30 мамлакатнинг коммунистик партиялари ва сўл социалистик ташкилотларидан делегатлар қатнашди. Конгресс В. И. Ленин раҳбарлигида муваффақият билан иш кўриб, муҳим қарорлар қабул қилди.

Коминтернинг I конгресси бош масала юзасидан Ленининг «Буржуа демократияси ва пролетариат диктатураси ҳақида тезислар»ини ва докладини эўр қизиқиш билан тинглади ва муҳокама қилди. В. И. Ленин буржуазия ва уларнинг малайлари социал-демократларнинг «тоза демократия» ниқоби остида эксплуататорлар ҳукмронлигини сақлаб қолишга уринишларини фош қилди ва пролетариат диктатураси ва социалистик демократиянинг моҳиятини асослаб берди. Фақат пролетариат диктатураси асосидагина ҳақиқий демократияга эришув мумкинлиги Совет социалистик тузумида яққол намоён бўлди. Ленининг бу назарий хулосалари ҳозирги замон ревизионистларининг ҳам афтангорини фош қилиш ва уларга қарши муросасиз курашга чақиради.

I конгресс янги типдаги марксистик партияларнинг жаҳон бирлиги ифодаси сифатида Коммунистик Интернационал (Коминтерн)нинг тузилганлигини эълон қилди

Коммунистик Интернационалнинг барпо этилиши, жаҳон пролетариати революцион кураш тарихида жуда катта сиёсий воқеа бўлди. Коминтерн ҳар қандай оппортунизмни рад қилиб, марксизм-ленинизм мавқеида, илмий коммунизм принциплари асосида ижобий ишни бошлаб юборди.

Жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатини ривожлантиришда Коминтернинг II конгресси янги ҳисса қўшди. 1920 йил 19 июль—7 августда Москвада бўлиб ўтган бу конгресс муҳим талбирлар ишлаб чиқди. Конгресс олдида В. И. Ленининг «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали» деган китоби нашр этилди. Бу асар барча коммунистик партиялар учун жуда зарур назарий қурол бўлди. Гап шундаки, кўп мамлакатларда ташкил топган ёш коммунистик партияларда уларнинг назарий соҳада кучсизлик ва тажрибасизликлари натижасида «сўл» оппортунистик хатолар содир бўлаётган эди. Улардаги сектантлик ва догматизмга мойиллик оммадан ажралиб қолиш хавфини туғдирди. Шунинг учун бу касалнинг олдини олиш ва ўнг оппортунизм билан бирга «сўл» оппортунизмга ҳам қарши курашни кучайтириш лозим эди. Ленининг китоби мана шу масалаларни ёритди. Лекин асар бу масалалар билан чекланмади. Унда социалистик революция, пролетариат диктатураси, коммунистик партияларнинг стратегия ва тактикаси, большевизмнинг моҳияти ва тарихий этапларн ва бошқа муҳим назарий хулосалар баён этилган. Ленин большевизм ва Улуғ Октябрь тажрибаси фақат /Россия учунгина эмас, балки халқаро аҳамиятга эга эканлигини қайд қилди. **«Рус намунаси, — деб ёзди В. И. Ленин, — ҲАММА мамлакатларга; улар учун муқаррар булган ва уларнинг яқин келажакларида бўладиган баъзи бир ва ғоят муҳим нарсаларни кўрсатиб турибди»** (В. И. Ленин. Асарлар, 31-том, 6-бет). Бу хулоса ҳозирги кунларда ҳам «большевизм стратегияси ва тактикаси ҳамда Октябрь революцияси фақат қолоқ аграр Россияга хос миллий воқеа» деб чет эллардa вайсаб юрган ва мамлакатимиздаги социалистик революция ғалабаси ва Ленин партиясининг халқаро ролини камситишга уринаётган ревизионистлар ва сектантларга қарши муросасиз курашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Коммунистик Интернационалнинг II конгресси делегатлари Ленининг асарини зўр мамнуният билан қабул қилдилар. Ёш коммунистик партиялар ўз хатоларини тушуниб, тузатишга киришдилар. Коминтернинг халқаро миқёсида обрўси ошган сари унинг сафига оппортунистик партия ва группаларнинг суқулиб кириб, ичдан туриб бизнинг ҳаракат қилишлари ҳавфи бор эди. Шунинг учун II конгресс Коминтерн уставини тасдиқлади, унга қабул қилишнинг 21 шартини белгилади. В. И. Ленин ўзган бу муҳим шартлар янги типдаги революцион марксистик партия қандай сифатларга эга бўлмоғи лозимлигини яқ қол кўрсатиб берди.

Коминтернинг II конгресси миллий ва мустамлака масалаларини кўриб чиқди. Ленин жаҳон аҳолисининг 70 процентн эзилган халқлардан иборат эканлигини уқтириб, уларни империализм зулмидан озод қилиш йўлини кўрсатди. Ленин ўз докладида, агар революцион ғолиб пролетариат қолоқ халқлар ўртасида мунтазам равишда тарғибот олиб борган тақдирда, Совет ҳукумати эса, ўз қўлида бўлган бутун воситалар билан ёрдам берса, қолоқ халқлар ривожланишнинг капиталистик босқичини ўтишлари мумкин деб ўйлаш нотўғри эканини исбот қилди. В. И. Ленин «...қолоқ мамлакатлар илғор мамлакатларнинг пролетариати ёрдами билан, капиталистик тараққиёт босқичини четлаб ўтиб, совет тузумига ва тараққиётнинг муайян босқичлари орқали коммунизмга ўтишлари мумкин» (В. И. Ленин. Асарлар, 31-том, 247-бет) деган машҳур тезисни асослади. Ленин бу хулосани чиқаришда Совет ҳокимиятининг миллий ўлкалар, шу жумладан Туркистондаги тарихий тажрибасини ҳам кўзда тутди.

Ленин назарияси қолоқ халқлар ривожининг порлоқ истиқболини очиб берди. Бу ғояларнинг амалга ошуви мамлакатимизда илғори қолоқ ўлкага, шу жумладан Ўрта Осиё халқларига қисқа тарихий даврда феодализмдан социализмга ўтиш имконини берди. Ленин таълимоти ҳозирги кунда мустақиллик ва ижтимоий тараққиёт сари курашаётган Осиё, Африка ва Латин Америкасининг эзилган халқлари учун йўлчи юлдуздир.

* * *

КОММУНИСТИК ИНТЕРНАЦИОНАЛНИНГ бутун фаолияти дунёда ишчилар, деҳқонлар ва миллий-озодлик ҳаракатларини жипслаштириб империализмга узил-кесил зарба беришга, социалистик революцияни ривожлантиришга қаратилган эди. Коминтерн марксизм-ленинизмга садоқатлик билан иш кўрди ва ҳар қандай душманларга қарши қатъиятлик билан курашди. Коминтерн конгресслари ва пленумларида ўнг ва «сўл»ларга қарши, шовинизм ва буржуа миллатчилигига қарши, жаҳон коммунистик ҳаракатининг бирдамлиги учун кураш давом этди. Коминтерн бир қанча партияларда, шу жумладан Хитой Компартиясидаги майда буржуа оппортунизми хавфини бартараф қилиш учун кўп иш қилди. Лекин кейинчалик Хитой раҳбарларининг оппортунистик группаси бундан хулоса чиқармади. Ўша пайтлардаёқ Хитой Компартиясида содир бўлган зарарли касаллик, ўнг ва «сўл»-оғмачилик Мао Цзе-дун группаси таъсирида янада чуқурлаша бориб, ҳозирги пайтда улуғ Хитой шовинизми ва бузғунчиларнинг давлат миқёсидаги сиёсатига айланди. Маочилар халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини бузиш ва Совет Иттифоқига қарши курашдек шармандали йўлга ўтдилар. Лекин шу шармандаларча уринишлар марксистик партиялар заррасига учради.

* * *

1943 ЙИЛ май ойида Коммунистик партиялар Коммунистик Интернационални тарқатиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Бу пайтларга келиб Коммунистик партиялар мустаҳкамлана бориб бой тажрибага эга бўлган эдилар. Коммунистик партиялар икки томонлама, ҳар томонлама учрашувлар ва жаҳон кенгашлари орқали ҳам ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаши мумкин бўлиб қолди. Коммунистик ва ишчи партияларининг 1957 ва 1960 йилларда Москвада бўлиб ўтган халқаро кенгашлари Коминтернинг ижобий ишининг давомидан далолатдир. Бу кенгашлар халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлаш ҳар бир марксча-ленинча партиянинг асосий бурчи эканлигини уқдириб муҳим ҳужжатлар қабул қилди.

Коммунистик Интернационал барпо бўлгандан бошлаб ўтган ярим аср давомида дунёда коммунистик партиялар ўса бориб, қудратли кучга айланди. Ҳозир жаҳонда 90 га яқин коммунистик ва ишчи партиялари 50 миллиондан зиёд коммунистларни бирлаштиради.

* * *

КОММУНИЗМ ҒОЯЛАРИ СССР ва бошқа қардош социалистик мамлакатларда тантана қилмоқда, коммунизм бутун инсониятнинг порлоқ истиқболи сифатида ҳамма эрксевар халқлар байроғига айланди. Шунинг учун ҳам ҳалокатга учраётган империализм гуруҳлари коммунизм ғалабаларидан қўрқиб, жаҳон коммунистик ҳаракатига ғов солишга барча хийла-найрангларини, игво ва қўпорувчилик ишини олиб бормоқдалар. Чехословакияда аксилинқилобий кучларнинг чет эл империализми ёрдамида социалистик тузумга, Коммунистик партия ва Совет Иттифоқига қарши бардод бўлган ҳужумлари бунинг яққол исботидир. Шунинг учун марксча-ленинча партиялар ўз сафларини янада мустаҳкамлашга, империализмга, ҳар қандай душманларга қарши қатъий курашга алоҳида эътибор бермоқдалар. 1970 йил май ойида Москвада коммунистик ва ишчи партияларининг халқаро кенгаши бу соҳада катта хизмат қилади.

Коммунизм ҳаққоний ва бирдан-бир тўғри йўл. Бу йўл марксизм-ленинизм назарияси ва коммунизмнинг бутун дунёда тантанасига олиб боради.

Ҳ. ТУРСУНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ҲАФТАЛИГИ

Улуғ дўстлик қўшиғи

Яша ва яшнайвер қадрдон Ватан,
Сенга касб-коримиз,
Сенга жону тан.
Янги ҳаёт йўлин ёритиб мудом,
Буюк қардошликнн этдинг сен инъом!

Қабила, халқларни қовуштирдинг сен,
Зафар сари ундаб қанот бердинг сен.
Сен — эрк ва тинчликнинг метин таянч,
Онгларда куёшсан,
Халқлар қувончи!

Қардошлар одимлар: рус ҳамда қозоқ,
Ўзбек ва грузин,
латиш, қорақалпоқ.
Езилиб абадий топгандир қарор
Дўстлик ва ҳамкорлик қонуни якбор.

●

Бахтиёр кунларнинг рамзи —
Октябрь!
Қаддини тиклади инсон бир умр,
Қуллик занжирини улоқтирди у,
У билан ушалди қалбдаги орзу.

Мағрур чақиримдай асрлар оша,
«Аврора» садоси янграр ҳамиша.
Оппоқ тонглар отар,
Отар бир умр,
Бахтиёр кунларнинг рамзи —
Октябрь!

Кўчаларда зафар қўшиғи тинмас,
Қўлларда гулдаста, кети кўринмас...
Инқилоб мардларни унутмас башар,
Улар хотираси муқаддас яшар.
Съезд минбаридан —
узоқни кўзлаб,
Меҳнат ва жангларда зафарга ундаб,
Халқларнинг устози Ленин,
Оташин —
Нутқ сўзлар, —
Дохиёна ҳар сўзи яшин!

●

Ярим асрлик йўл.
Жўн бўлмади у.
Қад кердик,
Юлдузга етиб қўлимиз!
Утмиш зулмат даври йўқолди мангу.
Тиниқлашди ингоҳ,
Аниқ йўлимиз.
Биттадир бизнинг кўл,
Ҳам эзгу мақсад —
Советлар юртимиз яшнаси абад!

●

Улкан Союзимиз тоғди кўп равнақ:
Осмон юлдузидек шаҳар ва қишлоқ.
Кун сайин қулф уриб яшнар боғларн,
Дала,
ўрмонларн,
Баланд тоғларн.
Биз деймиз: бошоқлар тўлишсин чунон,
Катта дастурхонга — яхлит катта нон!
Оппин бошоқларга —
Полтава,
Кубан,
Кулундн деҳқонин меҳнати сингган.
Пахта ва энгирнинг нпидан аъло
Матолар тўқилар кўркам, бебаҳо.
Либослар тикадн дўстлар айтган дам
Иваново,
Тошкент,
Олмаота ҳам.
Мўйна ва мева мўл,
Беҳисоб кон бор,
Хнмня пешқадам,
ГРЭСлар қатор.
Улуғ бешйилликлар зафарин куйлар —
Бўз чўзар заводлар,
Домналар,
Уйлар.
Тоғлн Кавказ,
Сибирь,
Чилангар Урал —
Битта оиладек топгандир сайқал!
Шоирлар сузани — бамисол ялла:
Ватанин улуғлаб янграр баралла.

●

Кардош ўзбек ога!
Сенга бу айём
Қорақалпоқ элн нўлайдн салом!
Навқирон Нукусдан,
Устюрт,
Тўртқўлдан,
Балиқчн Мўйноқдан,
Аму бўйидан
Зарафшон
Мирзачўл боғбонларига,
Қаршн ва Фаргона деҳқонларига,
Йироқ-яқиндаги шаҳар,
қишлоққа. —
Ишчн ва кончига,
Ҳар бир ўртоққа, —
Меҳрибон,
меҳмондўст ва ширин калом
Дўстларга келтирдик оташин салом!

●

Қорақалпоғистон.
Зардир тупроғи,
Жўшқин Аму дарё кумуш белбоғи.
Оролда — пўртана,
Қумликда — тўзон. —
Лекин чекинмади бу ерда инсон,
Улар ишонарди галаба, шонга.
Табиат бўйсунди кучли инсонга.

●

Қай томонга боқма —
Меҳнат шарафи:
Қумликда улкан боғ,
Қумликда шаҳар.
Қийғос кўкаламзор ҳамма тарафи;
Япроқлар шивирлар куну тун, саҳар.
Баҳор гунчаларда кўрсатиб чирой,
Муаттар пуркайди бу ўлка — бу жой.
Чексиз пахтазорлар ёзнб кенг қулоч,
Кузакда келтирар тоғу-тог қувонч.
Яйловда чорвалар ўтлайди тўлиб.
Дарёга тўр солсанг чиқади тўлиб.
Ишлмда гавгалар бол тамли узум,
Қуёш шуъласида қизлар табассум.
Шолнсин таърифин —
Егандан сўра
Дастурхонга келгач паловхон тўра.
Меҳнат шарафидан чор тараф обод,
Бундан фахрланар Республика шод!

●

Қорақалпоқ халқи —
Мўъжизакор халқ,
Қардошларга аён —
кўнгли баҳор халқ.
Қизлари — Гулойим каби сарвқад,
Йигитлари жўмард —
Алпомиш савлат.
Катта оилада топиб эътибор,
Қорақалпоқ мангу бўлди бахтиёр.
Ҳалол меҳнат қилиб фидокорона,
Гулистон айлади ерни мардона.
Меҳнат шарафидан чор тараф обод,
Бундан фахрланар Республикада шод!

●

Булутрги йилимиз —
Шонли йил бўлди.
Қишлоқ ва шаҳарлар савичга тўлди.
Ҳосил мўл-кўл бўлди,
Ва дарҳақиқат
Илғорлар шаънига айтилди раҳмат.
Ватан хирмонига
Келтирмай грамм
Топширди пахтасин қорақалпоқ ҳам!
Беш йиллик келтирди —
Беҳисоб сафар.
Салмоқли ютуқлар кўпдир нақадар
Пахтакор,
Шоликор.
Тадбиркор чўпон,
Орол балиқчиси кучди зафар-шон.
Фақат пахта эмас, ҳар нарса мўл-кўл,
Мўл бўлди ғалламиз ҳамда қоракўл!
Кечаги дашт ўрнн бугун бог-бўстон,
Ҳосилдан дарахтлар шохндир парзон.
Тахматош тарайди ҳар томонга нур,
Шохпахта газ йўллар —
Газ жонга ҳузур.
Бульдозер гурнллар кучидир минг от,
Пўлат изларини чўзар Қўнғирот.
Устюртда —
Қайсики нафаси олов,
Қумликда —
Қайсики гов устига гов, —
Оғир участкада — ҳамма жойда ҳам
Фақат коммунистлар пешвоз, пешқадам.
Пармалаш вишкаси одимлаб мағрур,
Меҳнаткаш аҳлига бахш этар гурур.
Мўйноқдан Қоратов бирига қадар
Ишлар бажарилар ноёб, мўътабар.
Партия бизларга бўлиб раҳнамо.
Юксак чўққиларга ундар доимо.

Меҳнат, ғалабамиз учун бир умр,
Жонажон Партия сенга ташаккур!

●

Бердақ, Ажаниёз авлоди бугун
Бутун қалби билан ошиқ ва мафтун:
Пушкин лирасига — шеър базмига,
Навоий сатрига — янгроқ назмига.
Қоронғи ўтмишда.
Саҳрода бекор
Янграмаган эди Кобзар чертган тор!
Сургунда улоқиб юрарди Тарас,
Орол бўйларида олиб у нафас
Шоир сатрлари
ҳайқирик каби, —
Янгради
исёнкор чақирик каби.
Ва қўзғаб ёшларнинг қалбини ногоҳ,
Ерқин келажакдан этганди огоҳ.
Махтумқули ҳамда Абай шеърларин
Ед олиб,
Кўнгилда элтдилар барин.
Узбек — қорақалпоқ назми ҳам у чоқ
Туташди гўёки иккита ирмоқ,
Туташди икки нур полазор ичра,
Икки байт,
Икки дил бир ашъор ичра!
Шоирлар қўшиғи ҳамдард ва ҳамкор,
Унда — улуғ мақсад.
улуғ ният бор.

●

Оқар Аму —
водий ва тоғлар ичра,
Қондошлар ерига элтиб об-ҳаёт.
Куйлар Аму —
саҳро ва боғлар ичра,
Жондошлар қалбини этиб мангу шод.
Биз ҳам чин юракдан,
эй Ўзбекистон,
Дўстлик мадҳин ёзиб келтирдик достон!

●

Одам ва дарёнинг таъбиридир бир:
Қорақалпогистон —
содиқ укангдир!
Мавжли оқимда ўтган йилларинг,
Дўстлик учқури бор ҳамдард
дилларинг.
Иккисин боғламиш меҳнат ва ижод,
Еримиз бирлиги ва авлод-аждод.
Енма-ён яшаймиз,
уйимиз бирдир,
Тўю тантанамиз,
кўйимиз бирдир.
Қадимдан оғиз иимимз аҳил,
Ердамга чопамиз келса ёв — бахил.
Азалий азалдан меҳнатсеварсан,
Қалби — пок ва гўзал, яша — чеварсан.
Наққош усталарнинг чақишдир камёб,
Рассом, кулолларинг санъати ноёб.
Асил фарзандларинг оламга машҳур,
Бируний,
Хоразмий донишликда дур.
Тун бағрни ноқ этиб мўътабар нурдек,
Тоғди ўз юлдузни сичқон Улуғбек.
Навоий,
сўнг Фурқат ва Ҳакимзода,
Эрк ва озодликни куйлаб дунёда, —
Одамзод номини кўтарди юксак.
Уларни улуғлар замон,
Келажак!

●

Майин таратарқан мунгли куй дутор
Гўё чертиб ўтди юрак торни ҳам...
Асрлар янгладн дутор зору зор,
Одамзод кўзидан аримади нам.
Узбекистон —
янграб чекдинг кўп фарёд.
Занжирда эзилди захматкаш авлод.
Қутурди қабшоқлик,
Очлик ва зулмат.
Зулм сафросида эса маишат!..
Золимлар талади деч қилмай шафқат,
Узбек — қорақалпоқ ғам чекди фақат...
Шоирлар қўшиғи ҳамдард ва ҳамкор,
Унда — улуғ мақсад.
улуғ ният бор.

●

Сен учун мунаввар
ва энг қутлуғ кун
Октябрь тонгида жилмайди гулгун.
Ва зулмат чекинди,
чекинди мангу,
Гулханда ёнгандай паранжи — оғу.
Ўзбекистон!
Тезда кўтарнб сен қад,
Каналлар ўтказдинг,
қазқдинг пўлат.
Қардошлар сафида
куч сарфлаб бот-бот,
Ўқдинг,
ўргандинг
Ва этдинг бумёд.
Эндиликда тенгсиз оромижонсан,
Ҳақсан фахрлансанг —
пахтага консан! —
Тўрт миллион тоннадан ортиқроқ териб,
Давлатга топширдинг кўкрагинг кериб.
Янграсин ноғора,
Дутор ва карнай,
Янграсин доира,
рубоб ва сурнай,
Янграсин қўшиқлар
улуғлаб
қутлаб,
Қайтадан тугилган ўлкани бўйлаб!

●

Ассалом,
Ассалом жон Ўзбекистон,
Содиқ қардошингдан қабул эт достон!

●

Бутун ер шарининг
қувончи, фахри —
Тошкентим кўпдандир Тинчликнинг
шаҳри!
Кенг жаҳонга ёён дўстлик шукуҳи,
Қўллар бирлашгани,
Тошкентим руҳи.
Салом шонли пойтахт
ассалом Тошкент!
Қардошлик шаҳрисан сен мудом
Тошкент!
Қорақалпоқ элни талай фарзанди
Сенда таҳсил кўрди,
сенсан дилбанди.
Овулга қайтишди қўлларда диплом:
Врач,
Ўқитувчи,
Қурувчи,
Агроном.
Салом шонли пойтахт,
жонажон Тошкент!
Донишмандлар шаҳри,
меҳрибон Тошкент!
Иш кўнинг бир мунча оғирдир албат, —
Сарбаланд бинолар кўтаради қад.
Довюрак аҳолинг — кекса ҳамда ёш,
Ҳар қандай офатга беради бардош.
Салом шонли пойтахт,
қадрдон Тошкент,
Қаҳрамонлар шаҳри —
паҳлавон Тошкент!
Поездлар шошилар сенга ҳар ёқдан,
Келади қардошлар яқин-йироқдан:
Тбилиси, Киевдан, Москвамиздан;
Ленинград,
Томск,
Рига,
Уралдан.
Кўркам кварталлар этилиб бунёд,
Дўстлигимиз нурн чақнар умрбод.
Салом шонли пойтахт,
ажойиб Тошкент,
Ленни орзу қилган —
гаройиб Тошкент!

●

Самарқанд ва Урганч,
кўҳна Бухоро —
Янги қиёфаси билан кўп зебо.
Нақшдор минора,
серқашам сарой —
Шаҳар чиройига бахш этар чирой.
Қадимий ва ленин доим гуландом,
Ушбу шаҳарларга дўстона салом!
Узбекистон!
Юксал азамат дебр,
Тегрангда навқирон ботирларинг бор:
Чирчиқ,
Оҳангарон
ҳамда Мурунтов,
Бекобод.
Навоий жанговар асов!
Урал печкасида ғазли олови,
Дўстлар даврасида узбек паловн.
Асрий қиёфасни ўзгартди буткул
Дашт-саҳро, —
Кўксида гул унади, гул.

Кечаги мирзачўл ўзгун бог-бўстон,
Исмидир жисмига монанд — Гулистон.

●

Ўзбекистон,
Сенга бахт доим ҳамроҳ,
Келажакка
мағрур ташлайсан нигоҳ!

●

Сен билан тақдир ҳам,
йўлимиз ҳам бир, —
У йўл —
Кенг ва ойдин ҳам тўғри йўлдир.
У йўл ҳаммамизга азиз,
ягона. —
Қудратли Советлар юртидир она!
Унда барча халқлар ҳамнафас, ҳамдам,
Тобакай яшайди аҳил ва бардам!

●

Елпиниб, бамисол сўнмовчи олов —
Қўлларда ҳилпирар голибкор япов.
Жонажон Ватанин,
Ушбу байроқни.
Омон сақлаб қолдик —
Янчиб олчоқни!
Ҳали оғир дамлар келади яна,
Коммунистлар олдда борар мардона!
Агар қора ният ёвузлар тағни
Бизга ҳамла қилса.
Қўзғалиб шартта —
Биз жангга кирамиз.
Соламиз қирғин,
Супириб ташлаймиз охирги марта!
Йўлчимиз ягона.
Мақсад ягона —
Қудратли Советлар юртидир она!
Юзларга уради — қор,
Иссиқ шамол,
Дарғалар боради кўрсатиб ибрат,
Халқлар оиласида тополсин камол
БИРЛИК,
ДЎСТЛИК,
АДОЛАТ,
МЕҲНАТ!
Қалбимиз,
Меҳримиз,
Ишқимиз сенга
Пойтахтлар пойтахти, азиз Москва!

●

Партия етаклар бизни мақсадга,
Юраклар тепади ҳаяжон, шавқ-ла.
Эришдик қанча шон,
ютуқ,
ниятга,
Кутади янгиси.
Борамиз завқ-ла.
Ильич каби ўйлаб,
Яша унга хос,
Ильич қадамига мослаб қадам бос!
Бизлар — ленинчилар,
Уз номимизни
Шарафли меҳнатда оқлашимиз шарт.
Бебаҳо инсоний дипломимизни
Мардлик чўққисида ёқлашимиз шарт.
Ё опис сўқмоқда,
Ё баланд тоғда,
Ёки кемаларда юлдузни қучиб:
Ё фабрика, завод,
Ё дала, боғда,
Ё кўкин забт этиб,
Ё конга тушиб —
Ҳалол меҳнат қилиш бизга саодат,
Ҳаётни безамоқ муқаддас одат!
Бизлар — ленинчилар, —
Урок ва Болга,
Ленин партияси етаклар олга!
Бардам бўл ҳамиша
жонажон Ватан,
Сенга касб-коримиз,
Сенга жону тан!
Коммунизм тонги отмоқда, ана,
Куррамиз уфқида юлиб тантана!

Мактубни ёзувчилар: Аббос ДОБИЛОВ, Содиқ НУРИМБЕТОВ, Жўлмирза ОЙМИРЗАЕВ, Хўжабек СЕИТОВ, Тилоберган ЖУМАМУРОТОВ, Иброҳим ЮСУПОВ, Карамиддин СУЛТОНОВ, Бобош ИСМОИЛОВ, Тожиддин СЕИТЖОНОВ.

Мавлон ИКРОМ таржимаси.

КИНОЛЕНИННОМА — ОММАГА

Жаҳон пролетариатининг улуғ доҳийси Владимир Ильич Ленинниинг жўшқин революцион ҳаёти, кураши ва дунёда биринчи социалистик давлат ғалаби сифатида қилган ишлари ҳақида, ленинизм ғояларининг тантанаси ҳақида кўплаб ҳужжатли, илмий-оммабоп ва бадиий фильмлар яратилган. Бу фильмлардан тузилган махсус тематик кечалар, фестивалли меҳнаткашларга улуғ доҳий ҳаётини кенг ҳикоя қилишнинг энг самарали усулидир.

Узбекистон республика кинофильмлар прокати ва маҳаллий кинопрокат ташкилотларида сақланаётган кўплаб фильмлар бу соҳадаги пропагандистик ишимизнинг таъсирини янада оширишга ёрдам беради. Шунн ҳисобга олиб Узбекистон республика фильмлар прокати конторасн «фестивалли, тематик кечалар» деб номланган брошюра-методик қўлланмани рус ва ўзбек тилларида нашр этди. Унда кинопрокат фильмларидан фойдаланиш тартиблари, прокат ташкилотларининг адрес ва телефонлари, тематик кечалар, кўриклар, фестивалларнинг планлари, уларда фойдаланиладиган бадиий, ҳужжатли фильмларнинг рўйхатлари, айрим тематик кечаларнинг афишаларидан намуналар берилган.

Бу брошюра, шубҳасиз, кино тармоқлари ходимларигагина эмас, балки область, район партия ташкилотларида агитация ва пропаганда бўлимлари, райижроком-ларнинг маданият бўлимлари, «Билим» жамияти маҳаллий ташкилотлари ходимларига, мактаб, олий ўқув юртларига ҳам катта ёрдам беради.

М. ЯХЁЕВ.

Қишлоқ оқшоми

Сайловдан сайловгача

Ижроком раиси Бобоқул ака Очилов билан Оқдарё ёнасидаги қишлоқларни сайр қиляпмиз. Дарё бўйлаб жойлашган кўркам қишлоқларда оқшом чўкиши билан ўзгача файз бўлади. Қор қалин ёққанлигидан тоғ томон кетган асфальт йўл арқон каби қорайиб, тоғ белини ўраб тургакка ўхшайди.

— Бу машҳур Лангар конига олиб борадиган йўл. 3-4 йил бўлди асфальт қилганимизга, — тушунтирди Бобоқул ака. — Илгарилари бундай қалин қор ёққанида у томонларга от-уловда бориш ҳам қийин эди. Ўтган сайловдан бери юз километрдан ортиқ йўл қурилди. Кўпгина колхоз ва совхозлар тоғ ёнбағирларига жойлашганидан уларга бориш анча мушкул эди. Депутатлар ташаббуси билан қурилган йўллар оғирлигимизни енгил қилляпти.

Депутатлар билан ишлаш, Советларнинг ташаббускорлигини ошириш, маданий ва хўжалик соҳасидаги вазифаларни жамоатчилик ёрдамида амалга оширишга катта эътибор бериляпти. Республика Олий Совети сессиясида қишлоқ ва посёлка советларн ишларини тубдан яхшилашга қаратилган қонун қабул қилинганидан кейин айниқса бу соҳадаги ишлар жонланиб кетди. Масалан, Оҳунбобоев номли ва Янгийўл қишлоқ Советлари хўжаликлар экономикасини кўтариш, меҳнаткашларнинг талабларини бажариш, кексалар учун чойхоналар, меҳнаткашлар учун турли машиий хизмат кўрсатиш муассасалари қуришга катта эътибор беряпти. Натижада Оҳунбобоев номли ва Янгийўл қишлоқ Советлари территориясида истиқомат қилаётган кишилар бу соҳада ёрдам сўраб юқори ташкилотларга мурожаат қилмайдиган бўлдилар. Чунки ҳамма иш жамоатчилик ва депутатларнинг актив иштирокида ҳал қилинмоқда.

Маҳаллий Советлар ўз депутатларн номига меҳнаткашлардан олинган 800 дан ортиқ наказни пухта ўрганиб чиқди. Ана шу наказларнинг деярли ҳаммаси бажарилди. Айниқса ободончилик, мактаб ва маориф, медицина, йўл қурилиши, электрлаштириш, газлаштириш соҳаларидаги талабларни бажаришга катта эътибор берилди.

Қувончлиси шундаки, Хатирчи райони меҳнаткашлари суруникасига қишлоқ хўжалик маҳсулотларн етиштириш пландарини ортиғи билан бажариб келмоқдалар. Колхозчиларнинг жодий фаровонлиги ўсиб бораётганлиги натижасида уларнинг янги уй-жойлар қуришга бўлган талаби ҳам ортмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида 800 дан ошиқ хонадон янги уйларга кўчиб кирди.

Хатирчи районининг сўлим қишлоқлари тоғ ёнбағрига жойлашганлиги туфайли эилол сўзлар қишин-ёзин оқиб туради. Лекин депутатлар ва қишлоқ Советлари аҳолини тоза водопровод суви билан таъминлашга ҳам катта эътибор бердилар. Ўтган йилнинг ўзида водопровод тармоқлари 20 километрга узайтирилди. Тоғ оралигига жойлашган «Мойбулоқ» ва «Олтинсой» чорвачилик совхозлари телефонлаштирилди.

Суюндиқ Мирзаев аввалги сайловда район Советига депутат бўлиб сайланган эди. У ўз сайловчиларининг наказини бажаришда кўп ишлар қилди, жамоат чорвачилигини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшди. Шунинг учун «Олтинсой» совхози чорвадорлари бу гал ҳам унинг номзодини область совети депутатлигига кўрсатишди.

Маҳаллий Советлар депутатлигига кўрсатилган номзодлар ичида биз моҳир пахтакорларни, чорвадорларни, меҳнатда чиниққан, ташкилотчи, жонкуяр, эл ишончини оқлаган кишиларни кўрамиз. «Зарафшон» совхозининг директори Умар Тошев, «Москва» колхозининг бригада бошлиғи Мирзо Нормуродов, «Зарафшон» совхозининг моҳир сут согувчилари Бўригул Дўлопова, Гўкчан Таллонова каби меҳнатда чиниққан кишиларнинг номзоди район Совети депутатлигига кўрсатилган.

Хатирчи районини меҳнаткашлари маҳаллий Советлар ва уларнинг депутатлари халқ хўжалигини бошқаришда, қишлоқларни ободонлаштиришда, маданий ва маиший турмуш даражасини кўтаришда катта куч бўлиб қолганлигини амалда кўриб турибдилар.

Н. ТОЖИБОЕВ,
С. УТАНОВ.

ТОШКЕНТ — ТОПИЛМАЛАР ШАҲРИ

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг Тарих ва Археология институти ходимлари Тошкент вохаларидан сал нарида еттинчи аср саройларини қазишда ниҳоятда ноёб маҳорат билан деворга ишланган расм топдилар.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, бу расмнинг бадиий даражаси 1965 йилда қадимий Афросиёб саройларидан топилган расмларникидан қолишмайди.

Тошкентда топилган расмлар Афросиёбдагига қараганда унча яхши сақланмаган бўлсада, археологлар бу «нашфиёт тўнғич қалдиргоч» бўлса керак деган умиддалар. Олимлар Тошкент территориясн ва унинг атрофларидаги яна бир неча ўрта аср саройларини қазиб кўриш ниятидадирлар. Уша жойлардан пухнноқ сақланган расм ва ҳайкаллар топилса эҳтимол.

Археологларнинг Тошкентда очган нашфиётлари, олимларнинг фикрига кўра, еттинчи асрда санъат фақат Афросиёбдагина эмас, шу билан бирга Урта Осиёнинг ҳамма террнториясида юксак даражада ривожланган. Хатирчи районидан топилган расмлар ҳам шундан далолат беради. Уша замонларда ҳозирги Тошкент райони нуқратли давлатнинг пойтахти бўлган.

Узбекистон пойтахтида иш олиб бораётган археологларнинг сўнгги икки йил мобайнида «ўлжаси» ниҳоятда кўп бўлди. Шу давр мобайнида топилган ўтмиш асрлар моддий маданият буюмлари билан катта музей залларини тўлдирса бўлади.

Мутахассисларнинг таъкидлаб айтишларига кўра, топилган жуда кўп сопол буюмларнинг ишланиш даражаси Самаркандда топилганлардан қолишмайди. Тошкент территориясидаги кулолчиликнинг равнақи X ва XV асрларга тўғри келади. Маҳаллий ҳунармандлар сирларн ва қолипланган буюмлар ясаганлар. Идиш-товоқларнинг гули юксак бадиий даражада бўлиб, уларда афсонавий нушлар ва хайвонларнинг шакллари, турли нақшлар тасвирланган, арабча хат билан битилган мисралар бор.

(ЎзТАГ).

● ДЎСТОНА АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНИБ БОРМОҚДА

● *НЕОФАШИСТЛАРНИНГ ТИНЧЛИККА ТАҲДИД ҚИЛУВЧИ ЯНГИ РЕЖАЛАРИГА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН!*

● СОВЕТ — ХИТОЙ ЧЕГАРАСИДАГИ БЕБОШЛИК

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Тошкент жамоатчилиги Панжоб кунини тантанали вазиятда нишонлади. Бу тантана ҳар йили Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги Панжоб штати билан ҳамдўстлиги шиори остида ўтказилади

Шу муносабат билан ўтказилган йиғилишда Совет—Ҳиндистон маданий алоқалари жамияти Ўзбекистон бўлимининг президенти, Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия, шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари Ҳ. Е. Еқубжонова ва меҳнаткашларнинг бошқа вакиллари ҳиндистонлик дўстларимизга салом йўлладилар. Тарих фанлари кандидати П. Н. Разсузова Панжоб ҳаёти тўғрисида сўзлаб берди. Йиғилиш қатнашчилари панжоблик дўстларимиз бу йил Ўзбекистон кунини кенг кўламда байрам қилаётганликлари тўғрисида мамнуният билан гапирдилар.

Мажлис аҳли ҳиндистонлик аспирант Будхи Прасада Бхатнинг нутқини самимий кутиб олдилар. У ўз ватани шаънига айтилган дўстона хитоблар учун самимий ташаккур изҳор қилди.

* * *

Тошкентда дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасида тузилган битим имзоланган кунининг 48 йиллигига бағишланган кеча ўтказилди. Бу кечада республика қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари А. Х. Ҳакимов доклад қилди. Афғон студенти Муҳаммад Анвар Шамс кеча қатнашчиларини самимий табриклади.

Ўзбекистон пойтахти жамоатчилигининг вакиллари Афғон—Совет дўстлиги жамиятига табриknома юбордилар. (ЎзТАГ).

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА



Магдебургдаги Карл Либкнехт номли оғир машинасозлик заводи — ГДР халқ хўжалигида катта роль ўйновчи йирик корхоналардан биридир. Бу завод бутун республикада тайёрланадиган оғир саноат маҳсулотларининг 20 процентини ишлаб чиқаради. Суратда: заводнинг ўқув устахонаси. Ёш ишчилар майда детальларни рационал усулда ишлашни ўрганмоқдалар.

АДН—ТАСС фотоси.

СССРга қилинган дўстона визит тамом бўлди

Чехословакия Социалистик Республикаси миллий мудофаа министри генерал-полковник Мартин Дзур бошчилигидаги Чехословакия Социалистик Республикаси ҳарбий делегацияси 1 мартда Москвадан ватанига жўнаб кетди. Делегация СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречконинг таклифига биноан Совет Иттифоқида расмий дўстлик визити билан меҳмон бўлди. (ТАСС).

Р. Никсоннинг Ғарбий Европа мамлакатларига қилган визити тугади

РИМ, 3 март. (ТАСС). АҚШ президенти Р. Никсон Ғарбий Европа мамлакатларига қилган саккиз кунлик визитидан кейин кеча самолётда Римдан Вашингтонга учиб кетди. Р. Никсон ватанига учиб кетиш олдидан Римда бир оз вақт тўхтаб, Ватиканга борди ва бу ерда католик черковининг бошлиги папа Павел VI билан учрашди.

Р. Никсон Ғарбий Европа мамлакатлари бўйлаб қилган сафари вақтида Бельгия, Англия, Ғарбий Германия, Италия ва Францияда бўлиб бу мамлакатларнинг раҳбарлари билан музокаралар олиб борди. У Ғарбий Берлинга ҳам сафар қилди.

ФРАНЦИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ БЮРОСИНИНГ БАЁНОТИ

Франция Коммунистик партияси Сиёсий бюросининг Германия проблемасига доир бу ерда 2 мартда эълон қилган баёнотида, «Бонн ҳукумати Германия Федератив Республикаси президентини Берлинда сайлаш тўғрисида игвогарона қарор қабул қилганлиги» билан Европанинг марказида кескинликнинг янги манбаи вужудга келтирилди, дейилади.

Ғарбий Берлин, дейилади баёнотда, ҳеч қачон Германия Федератив Республикасининг бир қисми бўлган эмас. Шу сабабли Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг қарори Иккинчи Жаҳон уруши қатнашчиларини шубҳа остига олиш йўлидаги уринишдир. «Германия Федератив Республикаси ўз қўшинларига иневатан территориал даъволар билан чиқаётган бирдан-бир мамлакатдирки, Европада бошқа ҳеч бир давлат шундай даъво билан чиқаётгани йўқ. Уни Америка империалистлари сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқдалар... Ҳозирги вақтда рўй бераётган воқеалар Германия Федератив Республикасининг реваншчилик сиёсати бутун Германия номидан вакиллик қилиш учун даъво қилаётганлиги ва унинг территориал талаблари тинчлик ишига нақадар хавф солаётганлигини очиқ кўрсатиб турибди».

Франция Коммунистик партиясининг баёнотида сўнгра бундай дейилади: Франция Германия Федератив Республикаси билан бўлган ўзининг алоҳида алоқалари сабабли, шунингдек, Франция Атлантика блокининг аъзоси бўлганлиги сабабли ўзининг миллий манфаатларига ёт бўлган можарога тортилиб қолиши мумкин.

Франция Коммунистик партиясининг Сиёсий бюроси барча француз коммунистларини Германия Федератив Республикасини атом қуролига ҳар қандай тарзда бўлмасин, яқинлаштиришга қарши, Германия Демократик Республикасини таниш учун, Шимолий Атлантика блокининг ҳаракат муддати тугаганидан кейин Франциянинг шу блокдан чиқиши учун, барча ҳарбий блокларни тарқатиб юбориш ва бу блокларни Европада коллектив хавфсизлик системаси билан алмаштириш учун курашни кучайтиришга чақиради.

СИРХАННИНГ ИҚРОРИ

НЬЮ-ПОРК, 1 март, (ТАСС). Лос-Анжелеса сенатор Роберт Кеннедини ўлдиришда айбланган Сирхан устидан ўтказилаётган судда айбланувчи кеча ўз айбига иқрор бўлганлигини айтди.

СОВЕТ КОНТРОЛЁРИНИНГ БАЁНОТИ

Берлин осмон хавфсизлиги марказидаги совет секциясининг бош контролёри шу йил 2 мартда АҚШ, Англия ва Франциянинг бош контролёрларига оғзаки баёнот берди:

Маълумки, Ғарбий Германия ҳукумат маъмурлари Германия Федератив Республикаси президентини сайлаш баҳонаси билан шу йил 5 мартда Ғарбий Берлинда жиддий сиёсий игвогарлик ташкил этмоқчи. Шу мақсадда, амалдаги халқаро битимларни ва тўрт томонлама қарорларни бузган ҳолда, Ғарбий Берлинга федерал мажлис қатнашчиларини, шу жумладан Германия Федератив Республикасининг гитлерчи янги нацист национал-демократик партияси вакилларини олиб келмоқчи.

Шу муносабат билан Америка, Англия ва Франция ноталарига қуйидагиларни маълум қилиш менга топширилди: Ғарбий Берлинга мазкур мажлис қатнашчиларини ғайри қонуний равишда олиб келиш учун уларга самолётлар бериб қўйилган тақдирда совет томони шу учишларнинг хавфсизлигини таъминлашдан воз кечади ва бу учишлар учун ҳар қандай масъулиятни ўз зиммасидан соқит қилади.

ХИТОЙ МАЪМУРЛАРИНИНГ СОВЕТ—ХИТОЙ ЧЕГАРАСИДАГИ ИҒВОГАРЛИГИ

Хитой маъмурлари 2 март Москва вақти билан соат 4 дан 10 минут ўтганида Уссури дарёсидаги Нижне-Михайловка чегара пункти яқинида (Даманский ороли) қуролли игвогарлик қилдилар. Қуролли Хитой отряди совет давлат чегарасидан ўтиб, Даманский оролига қараб йўл олди.

Хитой томони шу районни қўриқлаб турган совет чегарачиларига қўққисдан ўт очди. Ўлган ва ярадор бўлганлар бор.

Чегарани бузиб ўтганлар Совет чегарачиларининг қатъий ҳаракати натижасида Совет территориясидан ҳайдаб юборилди.

Совет ҳукумати шу йил 2 мартда Хитой Халқ Республикаси ҳукуматига нота юбориб, Хитой маъмурларининг Совет—Хитой чегарасидаги игвогарлик ҳаракатларига қарши қатъий норозилик билдирди. Нотада жумладан, айтиладики Хитой маъмурларининг Совет—Хитой чегарасидаги игвогарлик ҳаракатларига зарба берэмиз ва бундай ҳаракатларни қатъият билан бартараф қиламиз. (ТАСС).

Америка монополияла рига катта фойда келтираётган Вьетнамдаги қонли уруш гирдобида минглаб америкаликлар нобуд бўлмоқда. (Газеталардан).



Англияда чиқадиган «Дейли Уорлд» газетасидан олинган сурат. ТАСС фотохроникаси.

ХАЛҚАРО ТЕМАДА

РЕАЛИСТИК ТЕАТР

ФЕЛЬЕТОН

Мен Стокгольмдан Хельсинкига самолётда қайтмоқда эдим. Ўриндиқдаги махсус тасмани аллақачоноқ тақиб олгандим. Шу аснода самолётга халлослаб шошганча бир киши кириб келди. Унинг афтидан қанча ёшга борганлигини аниқлаш қийин. Бўй-басти ўртача, яхши кийинган. Унинг заҳил башараси қуритилган балиқнинг рангини эслатади. Қорамтир соч мойланган тунукага ўхшарди. Самолётдаги йўлбоп аёлнинг тасмаларини боғлаш ҳақидаги бир неча бор илтимосига жавобан суяк елкаларини қисиб, инглизчанинг америкача талаффузида деди:

— Мен ҳеч вақт тасма боғламаганман, бу гал ҳам боғламоқчи эмасман. Мен ўзимни ҳамма вақт озод одам сифатида тутишни хоҳлайман.

Сўнгра у мен томонга ўгирилиб, менинг касбимни, ёшимни, оилавий аҳволимни, уй адресимни, киядиган пойафзалимнинг размерини, саломатлигимни, қанча пул топишимни суриштира кетди. Мен унга фамилиямни, касбимни киядиган пойафзалимнинг размерини айтдим-у, у ёшини айтмадим. У норозилик билдириб, ўзи ҳақидаги маълумотларни ошкорилигонларни ўлгудек ёмон кўришини айтди. Унинг ўзи эса мендан ҳеч нарсани яшармас, нимаи кўнглига келса, шу ҳақда гапирарди.

— Сиз, Хельсинкиданмисиз? — сўради у мендан.

— Ҳа, шу шаҳарнинг фуқаросиман.

— Жуда соз. Демак сиз ўз мамлакатингиз пойтахти тўғрисида мени озроқ хабардор қилишингиз мумкин экан? Чунки мен у ерда сира бўлмаганман. Ҳа, айтмоқчи. Хельсинкида театрлар борми?

— Ҳа, ўндан ортиқ.

— Операми?

— Опера ҳам бор.

— Яхши. Бироқ менинг таҳминимча Хельсинкида турмалар ҳам бўлса керак.

— Ҳа, афсуски бор, иккита.

— Ие, афсуснинг нима хожати бор. Масалан мен аксинча Хельсинкида театрларнинг ҳам, турмаларнинг ҳам борлигидан мамнунман. Демак, Финляндия анча тараққий этган мамлакат бўлиб чиқди. Сиз унча сўзамол бўлмасангиз-да, менинг яна бир неча саволимга қисқа бўлса ҳам жавоб беришингизни сўрардим?

— Менимча сизга ҳатто, кидиган ботинкамнинг номерига айтиб бердим-ку, — дедим мен унга.

— Тўғри, фамилиянгизни ҳам, касбингизни ҳам айтиб бердингиз. Сизнинг фамилиянгиздан бирор нарсани аниқлаш қийин, аммо касбингиздан эса олишингизни тахмин қилса бўлади. Масалан даромадингиз шунчалик озки, одамнинг раҳми келади. Шунчалик кам маблағ билан яшайдиган эркак кипи шахсий уй-жой у ёқда турсин, оила тузишга ҳам қурби келмаса керак. Қалай, гапим тўғрими?

— Ўзингизга ҳавола. Ҳар ҳолда анча донороқ кўринасиз.

— Ҳа-а-а. Менга тан бераверинг. Мен жуда яхши тушунаман. Бўлак қандай чора бўлиши мумкин ахир. Мен буни ўз қарамимдаги жуда кўп кишиларнинг турмушидан олиб гапираппман. Мен сизнинг аҳволингизни ҳам тушунib турибман. Мана. сиз ҳам қийин аҳволга тушиб қолганлардансиз, аммо одамларни кўролмайдиганлардан эмассиз. Сиз ўз атрофингиздагиларнинг бирор ҳожатини чиқаришни истайсиз. Шунинг учун менга ҳам ҳожат бирор бир иш қилсангиз деб илтижо қилардим.

— Агар сиз мендан пул қарз сўрамоқчи бўлсангиз, унда янглишган бўласиз. — қатъий жавоб қилдим мен.— Агар сизга парашют зарур бўлиб қолган бўлса, учувчига ёки йўлбон аёлга мурожаат қилинг.

— О, сиз жуда сўзамол экансиз-ку, — қичқириб деди у.

Хельсинкининг бўлажак меҳмони ғоятда бетакаллуфлик билан менинг елкамга шапатилади.

— Хўш, сиз романтикмисиз ёки реалистмисиз?

— Уйқумда романтикман, ўзгинда реалист.

— Ғоятда соз! Ундай бўлса сиз ҳечмаҳал ухламаслигингиз керак экан. Агар сиз ўзингизни чинакам реалист деб билсангиз, мен сингари ҳақиқий реалист кишининг фикрини тушуниб олишингиз керак. Ана шундай умид билан менинг хожатимни чиқаришингизни сўрайман.

— Мен сизга айтдим-ку, бир тийин ҳам беролмайман деб.

— Гап пул ҳақида эмас. Бошқачароқ ёрдамингизни сўраяпман. Мана сизга дафтар-қалам. Менга Хельсинкидаги ҳамма театр ва турмаларнинг адресини ёзиб беринг. Ҳа, айтгандек, эҳтимол мен Хельсинкида фақат иккн кунгина бўларман, холос, шуни ҳисобга олинг.

Мен ҳамроҳимнинг илтимосини бажо келтириб, унинг дафтарчасига ўн битта театр ва икки турманинг адресини, ҳар эҳтимолга кўра иккита жиннихонанинг ҳам адресини ёзиб қўйдим. Унга дафтарчани қайтариб бераркаман, унинг нима касб қилишини сўрадим. У менга қўйидаги воқеани ҳакоя қила кетди.

— Мен ўқирим бўйи янги реалистик театр учун курашиб келяпман. Бунинг учун бутун дунёни кезиб чиқяпман, бу соҳада докладлар қиляпман, одамларга таълим бераяпман. Кўп йиллардан бери бу соҳа бўйича мамлакатим шон-шуҳрати йўлида қилаётган ушбу меҳнатим эвазига мукофот сифатида сафар ҳаражатларимни тўлаб туришибди. Хўш, менинг тасаввуримда реалистик пьеса чинакамига реалистик бўлмоғи керак. Масалан. драматург ўз асарида фоҳиша образини кўрсатган экан, шу ролни ижро этувчи аёлнинг ўзи ҳам ҳақиқий фоҳиша бўлиши зарур. Мен бу проблемани жуда осон ҳал қилган бўлар эдим: масалан фоҳишахоналар қошида театр билим юртлари очган бўлур эдим.

Турмаларда ҳам театр мактаблари тузилиши лозим. Масалан, сиз Шекспир драмаларида ёвузлар ҳам ва қаҳрамонлар ҳам қилиқ ёки қаҳанжар зарбидан ҳалок бўлишларини билсангиз керак ахир. Ўйлаб туриб кулгинг қистайди. Драма давомида ҳалок бўлган ҳалиги актёрлар спектакль охирида яна саҳнага қайтиб келишади, томошабинлар тақдим этган гулдасталарни олишади, табрикларга ташаккур билдиришади. Театрдаги бундай масҳарабозлик реализмга мутлақо тўғри келмайди, чунки бу томошабинни юксак тасаввурлардан маҳрум қилиб қўяди. Ахир томошабин кўрган воқеаси унинг билетга тўлаган пулига арзигудек бўлишини истайди. Шунинг учун спектаклнинг охирги саҳнасида шундай бўлиши керакки воқеа давомида ўлганларнинг жасадини бир жойга тўплаб олиб кетилгани ҳам саҳнада намойиш қилинишга керак. Бизнинг давримизда фожиалар учун имкониятлар гоятда кўпайиб кетган, актёрларни ҳам истаганча топса бўлади. Турмаларнинг ўлим камераларида электр стули, газ камераси ва дорга осилишдан кўрқадиган кишилар кам дейсизми. Агар уларга мана шу пьесалардаги ролларни берилса, улар жон-жон деб саҳнага чиқишади, шунда улар ўзларининг чинакам шон-шуҳрат йўлида ўлаётганлари ҳис қилишган бўлади. Қатл этиш ҳақидаги ҳукмлар ана шу йўсинда амалга ошириладиган бўлса, айбдорлар ҳам анча шуҳратга сазовор бўлар эдилар, томошабин эса, ҳозирги замон реализмининг айнан ўзини кўрган бўларди.

Турмалар қошидаги театр билим юртлари асримизнинг артист етиштириш соҳасидаги фаолиятининг қўлга киритган буюк ютуғи бўлган бўлур эди. Шунингдек бундай билим юртлари қошида бизнинг кино санъатимиз талабини қондирадиган кино-санъат синфлари ҳам бўлиши керак. Бу синфларда ҳиндлар ва негрлардан саҳнада ўлувчи кишилар тайёрланмоғи лозим. Улар ниҳоятн бир мартагина роль ижро этишади. Чунки фильмдаги воқеа чинакамига реалистик бўлиши учун одам ўлаётганда ўқ билан эмас, ҳақиқий қўрғошин ўқи билан ўлдирилиши шарт. Шунда ўлувчи кишининг ролини ўйнаган артист образга кириш учун ўзини қийнаб ўтиришига ўрин ҳам қолмайди, чунки унда одам ростдакамига ўлдирилади. Ўқ тегдими, одам паққос ўлади қўяди.

Реалистик театрнинг юксак маънавий таъсирчанлик кучи ҳам мавжуд. Томошабин қилич ёки ўқдан ўлиш қанчалик шараф эканлигина аста-секин тушуна боради. Реалистик театр шунинг билан бир қаторда гражданларда мамлакатни мудофаа қилишга бўлган ҳақиқий жасоратни ва ўлимдан тап тортмасликни тарбиялайди. Яна шуниси қимматлики театрда ўлаётган қаҳрамоннинг ҳанжар қадалган кўксини қизил вино, ёки малина мураббоси билан бўяшга ҳожат бўлмайди, унинг кўкси ўзининг ҳақиқий қони билан бўялади. Хўш, шундай экан, театр драмалари учун доимо мунтазам керак бўлиб турадиган ўлувчи кишиларга нисбатан қатл ҳақидаги ҳукмни ижро этиб ўтиришга ҳам зарурат қолмайди. Кўриниб турибдики, жаҳондаги барча турмалар қошида махбуслар ва ўлимга ҳукм этилганлар учун театрлар дарҳол билим юртлари тузилиши зарур бўлади. Мабодо актёрлар талабдан кўра ортиқроқ тайёрлаб юборилган тақдирда ҳам унинг ложини топса бўлади. У тақдирда олисроқ бир мамлакатда уруш кўзғатиб қўйиб, ортиқча актёрларни — яъни ўлимга маҳкум этилганларни ўша урушнинг олдинги қисмига юборилаверади. Шунда улар ўзларини жиноятчи сифатида эмас, балки ўз юртларининг буюк қаҳрамонлари сафатида ҳис қиладилар.

— Сигареталар ўчирилсин ва тасмалар боғлансин! — Самолётда йўлбон аёлнинг товуши янгради.

Менинг суҳбатдошим яна ўзининг эркин кийи эканлигини таъкидлаб. бу гал ҳам тасмани боғлашга кўнмади. Самолёт қўнди ва меҳмон биринчи бўлиб машинадан ташқарига отилди. У афтидан театрлар ва турмалар билан танишишга ошиқарди. Бу одам мендан яширадиган ҳеч бир сири йўқлигини биз неча бор таъкидлаган бўлса ҳам ҳар ҳолда менга фамилиясини, қайси юртнинг фуқароси эканлигини ва адресини айтмаган экан.

Бизнинг учрашувимиздан буён бир ҳафта ўтган бўлса ҳам унинг Финляндияда бўлишига тааллуқли бирор хабар топмадим ва бирор воқеани эшитмадим. У ҳақда на газетада ва на радио эшиттиришларида гапиришди. Меҳмон мен унинг дафтарчасига ёзиб берган адреслардан биридаги машҳур жиннихонани афзал кўрмаганмикин деб хавотирланяпман. Чунки, мен ҳам реалист одамман.

Марттн ЛАРНИ,
фин ёзувчиси.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Ўзбек халқ куйлари, 9.30 — Қушиқлар, 10.10 — Арфа учун пьесалар, 10.30—«Қардошлик оиласида», 10.40 — Қорақалпоқ халқ темаларидаги сюита, 11.15— «Институт ва лабораторияларда», 11.30 — «Жаҳон халқларининг миллий чолғу асбоблари». Гитара, 12.45 — «Қорақалпоқ адабиётининг равнақи» (суҳбат), 13.30 — Енгил куйлар, 15.15 — «Мен—коммунист» (радиокомпозиция), 16.10 — «Ўзбекистон композиторларининг ижодий портретлари». Композитор М. Юсупов, 16.50 — «Правда» газетасининг обзори, 18.00 — «Баҳор яқинлашмоқда» (русча), 18.10 — Вальслар, 18.40 — Спорт, 19.20 — Концерт (сайловчилар учун), 20.00 — «Ешлик» программаси, 20.30 — Концерт, 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат, 21.10 — Концерт (қишлоқ меҳнаткашлари учун), 22.20 — Енгил куйлар, 22.40—«Бу ерда Ҳамза яшаган», 23.15 — Кечки концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.55 — **МОСКВА КУРСАТАДИ. ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ**

17.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 18.00 — **Телеянгиликлар,** 18.15 — **Болалар учун телефильм.** 18.25 — КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорлари — амалда. **«Республикамизнинг электр қуёшлари».**

Ўзбек тилида. 18.45 — **Ун минут музика.** 18.55 — **Қорақалпоғистон музика маданияти.** 19.35— **Киноленинном,** 20.15 — **Телеянгиликлар.** 20.30— ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ҲАФТАЛИГИ. **Нунус телестудиясининг кўрсатишлари.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

19.20 — **«Одиссей»нинг қайтиши».** (Телефильм).

19.55 — **МОСКВА КУРСАТАДИ.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 — **ОЛМАОТА КУРСАТАДИ. ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ**

20.00 — **Балет кечаси.**

Ўзбек тилида: 20.40—**Совет — болгар дўстлик жамияти 11 ёшда.**

Рус тилида: 20.55 — **«Максим»нинг ёшлиги».** (Бадиий фильмнинг биринчи серияси).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/III да **Марварид қидирувчилар.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/III да **Алишер Навоий.**

КИНО

«Олтин маъбуда» учун кураш — САНЪАТ САРОЙИ, «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқуруни).

Ниқобли исёнчи — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқуруни).

Ешлик — бебошлик — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруни).

Ана-ука Карамазовлар (3-серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 4 ва кеч 8 да).

Тошдаги достон (1 ва 2-серия)— НАВОИЙ номли (кундуз соат 1 ярим, 4 яримда, ўзбек тилида).

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ҲАФТАЛИГИ

К. С. СТАНИСЛАВСКИЙ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИНИНГ Муқимий номли театр биносида намойиш қиладиган спектакллари-нинг

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

4/III да — **Навоий Астрободда,**
5/III да — **Алангалар,**
6/III да — **Аҳмоқ подшо,**
7/III да — **Навоий Астрободда,**
8/III да — **Аҳмоқ подшо.**

Спектакллар кеч соат 7 ярим-да бошланади.

Табиий газдан фойдаланувчи граждалар диққатига!

Газ тармоқларига ҳар қандай асбобларни ўзбошимчалик-ча қилиб улаш, ҳамда ҳар турли радиаторларни газ плиталарида сув иситиш учун фойдалаииш

ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ

Ўзбошимчалик қилиб улаш ва бундай асбоблардан фойдаланиш бахтсиз ҳодисаларга олиб келади.

Квартираларда газ тармоқларига шахар (район) газни бошқармасининг рухсатисиз улаш-ган ҳар турли асбоблар борлиги сезилганда абонентлар газ таъминоти бошқармаси томонидан оғоҳлантирилмасдан

УЗИБ ҚЎЙИЛАДИ

Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалик министрлиги «Ўзбенгаз» бошқармаси.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26 Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323, Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331216, Халқаро ҳаёт — 337604 Коммунистик тарбия — 331455 Саноат капитал қурилиш ва транспорт — 334780, Совет қурилиши — 333258 Қишлоқ хўжалиги — 337604, Адабиёт ва санъат — 332036, 337221 Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 332451 Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347, Оммавий ишлар ва хатлар — 338879, 333553 Илюстрация — 334524, Стенографистка — 337343, Корректура — 337162 Эълонлар — 338142 Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258, ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон — 48—85, Бухоро 31—41, Қарши 22—62, Наманган 21—88, Нукус 42—72, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

№ Б. — 53. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64633. Р. 02718.